



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Турсунов Жавлонбек Акром ўғли

**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети  
тадқиқотчиси**

**ФОРОБИЙНИНГ ИЛМЛАР ТАСНИФИ ВА МУСИҚА ИЛМИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада Абу Наср Форобий ва унинг мусиқа илми ва ривожига қўшган ҳиссаси ёритиб берилган. Мақолада Форобий асарлари, улардаги мусиқа назарийаси оид маълумотлар тахлили этилган. Шунингдек Форобий томонидан мукаммалаштирилган мусиқа асбоблари тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Мусиқа илми, археология, риёзий фанлар, рисола, эстетика, созанда, ижро, бастакор, уд, Айритом фризи, Панжакент деворий расмлари, Афросиёб, Далварзинтепа, Мўминобод, най, мумтоз.

Мовароуннаҳр замини IX-XII асрларга келиб илм-фаннынг йирик марказларидан бирига айланди. Бу ерда фаннынг барча соҳаларида етук олимлар етишиб чиқди. “Бугун орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бекиёс ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мурафаккирларининг даҳоси, илм-фаннынг турли йўналишларидағи изланишлари ва қомусий билимлари олдида ҳайратга тушамиз. Ўрта асрлардаги Шарқ алломалари ва мурафаккирларининг буюқ асарлари ва мероси нафақат бир миллат ва халқнинг, балки бутун инсониятнинг мулкидир. Бу бебаҳо мерос бизга бир-биримизни тушуниш учун кўмаклашадиган ва ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб берадиган бойлик экани, ўйлайманки, ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди”, [4.3.]- дея ўрта аср алломаларинининг шахси ва уларнинг яратган асарларига юртбошимиз томонидан юксак баҳо берилган эди.

Дарҳақиқат, ўрта асрларда Мовароуннаҳр замини дунё фанларининг барча билимдонларини ўзида жам қилди. Фан соҳаларининг ҳар бирида улкан ютуқларга

эришилди. Шу жумладан, мусиқа соҳасида ҳам. Тарихимиздан бизга яхши маълумки, ўзбек халқи маданиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида мусиқанинг ривожланиши узоқ ўтмишимизга бориб тақалади. Мусиқа санъатига оид бевосита ва билвосита маълумотлар бир қанча манбаларда учрайди. Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳудудида олиб борилаётган археологик қазишмалар натижасида топилган ахреологик топилмалар ичидаги мусиқа илмига ҳам оид бўлган бир қанча топилмаларнинг мавжудлиги фикримиз исботидир. Бу топилмалар орасида энг қадимиёси Самарқанд вилояти Ургут тумани Мўминобод қишлоғидан топилган мил. авв. III асрга оид бўлган суюқдан ясалган най чолғу асбобидир. Унинг сақланиб қолган қисмининг узунлиги 4,2 см бўлиб, ташқи томони силлиқланган, икки томони кўндалангига кесилган, ўртасида ромб шаклида тешик бор. [3.374.] Шунингдек, Ўзбекистоннинг қадимги давр мусиқа соҳасига тегишли бўлган бир қанча ёдгорликлар Айритом фризи, Панжакент деворий расмларида, Афросиёб, Далварзинтепа ва бошқа ҳудудларидан топилган.

Қадимда яшаган аҳоли турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида ривожланган мусиқа IX-XII асрларга келиб, ўз ривожининг янги босқичига кўтарилиди. Илм-фан юксак тараққий этган ушбу давр мобайнида мусиқа ижрочилиги, ижодиёти ва мусиқа илми жадал ривожланниб, маҳаллий аҳоли орасидан мазкур соҳанинг етук намояндалари етишиб чиқди. Ушбу давр мумтоз мусиқий мерос ва бастакорлик асарларини тўла-тўқис идрок этиш, атрофлича таҳлил қилиш учун муайян тайёргарлик таълим тизимида изчил ўзлаштириш тақозо этилган. Олимлар томонидан мусиқанинг инсон ҳаётидаги ўрни, унинг руҳиятига таъсири, мусиқа илмининг тарихий, назарий, эстетик бадияти қонуниятлари ишлаб чиқилди. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, мусиқа дастлаб Форобий ва Ибн Сино асарларида мураккаб фан сифатида қаралиб, риёзий фанлар таркибида таърифланган. Шу даврга келиб, мусиқанинг фалсафий, назарий, тарихий ва амалий муаммоларининг тадқиқ этилишини Ўрта Осиё олимлари ўзларининг маҳсус мусиқий рисолаларида бошлаб беришган. Хусусан, ўз даврида фаннинг турли соҳаларига оид 160[6.72.] дан ортиқ асар ёзиган қолдирган Абу Наср Форобий асарларининг маълум бир қисмини мусиқа илмига бағишилади. Форобий илми билан тадқиқот олиб борилган илмий ишларда асосан унинг фалсафий қарашларига алоҳида урғу берилади. Шунингдек, Форобийнинг илм-фаннинг бошқа соҳалари равнақига қўшган ҳиссаси ҳам бирдек таҳсинга сазовор. Жумладан, унинг мусиқа санъати ва мусиқашунослик юксалишига қўшган ҳиссаси бебаҳо. Манбаларда кўрсатилишича, у забардаст бастакор ҳамда уд, танбур ва пай асбобларининг моҳир ижрочиси бўлган. Форобий ўткир диди ва ажойиб мусиқавий қобиляти туфайли Ўрта ва Яқин Шарқда яшовчи турли халқларнинг мусиқа маданияти билан яқиндан таниш бўлган. Унинг мусиқавий қарашларининг шаклланишида, айниқса, Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг мусиқа мероси катта таъсир кўрсатган. Бу халқларнинг мусиқа меросини илмий ва амалий томонларини чуқур ўзлаштирганлиги Форобийнинг асарларидан яққол маълум бўлди. Форобий мусиқа илми ва амалиётида баб-баравар донг таратган. Унинг ижрочилик ва бастакорлик ижоди шу қадар юксак чўққиларга эришганки, ҳатто бу тўғрида халқ орасида кўплаб афсоналар юзага келган. У мусиқага оид назарий асарлар ёзиш билан бир қаторда, ўзи ҳам моҳир созанда, бастакор ва баъзи мусиқа асбобларининг ихтирочиси сифатида ҳам маълум[2.237.]

Манбаларда Форобийнинг мусиқа илмига оид “Илмлар классификацияси” (“Ихсо ал-улум”), “Мусиқа ҳақида катта китоб” (“Китоб ал мусиқи ал-кабир”), “Мусиқага

кириш” (“Мадхал фи-л-музиқи”) ва бошқа кўплаб асарлари тилга олинади. Уларнинг айримлари қўлёзма сифатида дунёнинг турли кутубхоналарида сақланади. Замонавий илмга Форобийнинг асосан иккита мусиқий асари кенг жорий қилинган. Улар “Илмлар классификация” си асарининг мусиқага бағишлиган бўлими ва “Мусиқа ҳақида катта китоб”дир. Мусиқа илми масалаларининг атрофлича ва чуқур ёритилиши жиҳатдан ўз даврида тенгсиз бўлган “Мусиқа ҳақида катта китоб” жаҳон мусиқа фанининг шоҳ асарлариданdir. Форобий бу асарида олдинлари бошқа фанларнинг таркибий қисми бўлган мусиқани мустақил илм даражасига кўтарган. “Мусиқа ҳақида катта китоб”нинг дунёнинг турли кутубхоналарида сақланадиган бир неча нусхалари маълум. Форобий таваллудининг 1100 йиллиги муносабати билан араб олимлари Закариё Юсуф ҳамда Маҳмуд Хафний томонидан мавжуд қўлёзмалар асосида китобнинг мукаммал матни тайёрланиб нашр қилинди. Бу китоб мусиқа оламида кўп асрлар давомида машҳур. Ўрта ва Яқин Шарқ мусиқа фанида ушбу асар энг нодир ва қимматбаҳо асарлардан бири бўлиб хизмат қилиб келган. Шарқ мусиқа илмида Форобий ижоди билан алоқадор бўлмаган бирон-бир кўзга қўринган олимни топиш қийин. “Мусиқа ҳақида катта китоб” XII асрда лотин тилига таржима қилинди. Мазкур асар шу даврдан бошлаб Европа мусиқашунослари диққат марказида бўлиб келган. XIX асрга келиб “Мусиқа ҳақида катта китоб” бир қанча замонавий тилларга ҳам таржима қилинди. 1840 йилда немис шарқшунослари китобнинг чолғу асбобларига оид қисмини лотин тилига таржима қилди.[5.48.]

XX асрнинг 30-йилларида “Мусиқа ҳақида катта китоб” барон Рудольф Д.Эрланже томонидан француз тилига тўлиқ таржима қилиниб, “Араб мусиқаси” тўпламида чоп этилган. Ушбу таржима орқали Форобий мероси Европага кенг жорий қилинган. “Мусиқа ҳақида катта китоб”нинг турли боблари форс ва турк тилларида ҳам нашр этилган. Асар муқаддимасида Форобийнинг таъкидлашича, “Мусиқа ҳақида катта китоб” икки қисмдан иборат бўлган. Биринчисида - ушбу илмнинг назарий ва амалий асослари ёритилган бўлса, иккинчisi ўтмиш олимларининг мусиқа илмидаги “хатоларга” изоҳлар беришга қаратилган. Мусиқашунос олимларнинг маълуотига кўра “Мусиқа ҳақида катта китоб”нинг ҳозиргача сақланган нусхасининг ўзи ҳам икки қисмдан иборат. Биринчиси “Мусиқа санъатига кириш”, иккинчisi “Асосий қисм” деб номланади.[5.49] Форобий замонида назария билан амалиётни боғловчи энг муҳим восита чолғу асбоблари ҳисобланган. Мусиқа асбобларини ўрганиш, парда тузилишини аниқлаш, назарий фикрларни далиллашга ёрдам берган. Ҳақиқатдан ҳам, чолғу асбобларининг товуш қаторлари узоқ тажриба асосида юзага келади. Чолғу асбобларини ўрганиш эса назарий фикрларни далиллашга ёрдам беради. Созлар воситасида Форобий, ҳаттоқи, мусиқа тарихининг катта даврларини ифодалайди. Форобий товуш қаторлар тараққиётини икки даврга ажратади- жоҳилия ва янги давр. Бу икки даврнинг товушлари тизими Боғдод ва Хурросон танбурларида ўз аксини топади. “Мусиқа ҳақида катта китоб”нинг иккинчи қисми тўлиқ Форобий яшаган давр мусиқа чолғуларига бағишлиганади. Мазкур қисмда у ҳар бир чолғу асбобининг яратилиши унинг инсон руҳиятига таъсири ҳақида батафсил маълумот беради. Бундан шуни кўриш мумкинки, Форобий ўз замонасининг чолғу асбобларини мукаммал ва атрофлича ўрганган. Форобий мусиқа асбобидан тараалаётган куйнинг инсон ҳиссига таъсирини аниқ ҳисоблар билан кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Мусиқа ва умуман мусиқашуносликда узоқ тарих ва анъаналарга эга бўлган ўзбек мусиқа санъати мустақиллик йилларида ўз ривожининг янги босқичига кўтарилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек мустақиллик йилларида ўзбек миллий мусиқаси ва

мусиқашунослигини аждодларга муносиб ворис сифатида миллий ва умумбашарий мусиқа санъатининг [1.141.] энг яхши намуналарини яратишга ва янги исътедодларнинг ўзини намоён этишига давлат даражасида эътибор берилмоқда.

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008. 140-141.
2. Абдухалимов Б. Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. Т., Ўзбекистон. 2010. 237-б.
3. Бердимуродов А. Самарқанд тарихидан томчилар. Т., Маънавият. 2015. 374-б.
4. Ўрта асрлар Шарқининг машҳур олим ва мутафаккирлари. Т., Ўзбекистон. 3-б.
5. Шарқ тароналари. Самарқанд. 2009. Зарафшон. 48-50.
6. Хайруллаев М.М. Абу Наср Форобий// Маънавият юлдузлари. Т., 2001. 72-б